O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
181200

**Da'vat**

***Илм ўз соҳиби мартабасини улуғлайди.***

**«Ҳадис»дан**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 15 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 89 (7284)

**Ibrat**

***Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроилов фармойишига кўра, вилоят мактаб кутубхоналари фондини бойитиш учун 18,6 миллион сўм миқдорида маблағ ажратиш режалаштирилган эди. Яқинда ушбу фармойишга биноан Оқ олтин тумани ўқувчилари 6118 нусхада бадиий адабиётларни ва 2151 нусхада дарсликларни қабул қилиб олдилар.***

**Faxr**



# БУЮК АЛЛОМАЛАРГА МАКОН ЮРТ



Ўтмишини таниган эл улуғдир, дейишади. Бугун биз мана шу улуғликка даҳлдормиз. Мустақиллик сабаб, ҳурлик сабаб, ўз ўтмишимизни, янаким, улуғ (!) ўтмишимизни таний бошладик. Билдикки, мустабид тузум даврида бизни аждодларимизнинг буюк меросларидан айирган эканлар. "Иморат қуриш", гўёки "равон йўл солиш" баҳонасида азиз-авлиёларимизнинг мақбаралари, демакким, ўтмишимизнинг муқаддас қадамжолари бузилган экан. Ота-боболаримизнинг руҳини оёқ ости қилиб, уларнинг мозорлари устидан солинган бу "равон йўл" бизни фақат қулликка, мутеъликка олиб бораётган эди. Хайриятки, юртимизда эришилган Мустақиллик ўтмиш билан бугуннинг ўртасидаги узилган ришталарни яна тиклади. Эндиликда улуғ аждодларнинг ҳурфикрли авлодлари буюк ниятлар билан келажак сари юзландилар.

Имом Бухорий, Маҳмуд Замахшарий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди... Барча-барчаси муносиб авлодларга Истиқлол қайтариб берган табаррук номлардир. Буюк аждодларимиз Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ва Бурҳониддин ар-Рашидоний ал-Марғиноний ҳазратларини ҳам эндиликда қайтадан таний бошладик. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Имом Абу Мансур ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллигини ва Бурҳониддин ар-Рашидоний ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши, бу буюк алломалар қолдирган бебаҳо меросни ўқиб-ўрганиш имконияти яратилганлиги, улар мақбараларининг қайта тикланиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилиши ғоятда хайрли ва савобли, ҳамда халқимизнинг дилидаги иш бўлди. Зеро, Имом Мотуридий ақоидида айтилишича ҳам, расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаламга, асҳоби кором, тобъеин ва авлиёларга тавассул этиш, яъни уларни восита-васила қилиб дуо қилиш дуонинг қабулига сабаб бўлади. Шубҳасиз, Имом Мотуридий ва Бурҳониддин Марғиноний ҳазратлари ҳам халқимиз қадамжоларини зиёрат айлайдиган азиз-авлиёлардандир.

"Нафаслари миқдоридаги илмларни ўзида жам этган" (Абу Муин Насафий таърифи) табаррук зот Абу Мансур Мотуридийнинг ва "Фиқҳ имоми" даражасига кўтарилган буюк юртдошимиз Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг табаррук номлари ислом оламида бениҳоя қадрлидир. Улар қолдирган бебаҳо асарлар, айниқса, Имом Мотуридийнинг "Китоб ат тавҳид" ва Ал-Марғинонийнинг "Ҳидоя фи фуруъ ал-фиқҳ" асарлари барча ислом мадрасаларида асосий қўлланмалардан саналиши бежиз эмас.

Ҳозирда Самарқанд ва Марғилон шаҳарлари катта тантаналар арафасида турибди. Самарқандда, Чокардиза қадамжосида Имом Мотурудий ва Марғилон шаҳрининг қоқ марказида Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг ёдгорлик обидалари мажмуалари тикланди. Замонавий кўркам хиёбон ва меъморий мукаммалликка эга бўлган, фусункор ва сокин обидадан ташкил топган бу ёдгорлик мажмуалари юртимиз кўркига ва зиёрат истаб келувчиларнинг дуолари ижобат бўладиган дилкушо жойга айланиб қолиши, шубҳасиз.

Сўнгсўз ўрнида муқояса учун бир далил: буюк ватандошимиз Имом Мотуридий яшаган даврда ҳам динни ўзларига ниқоб қилиб, ўз манфаатлари йўлида турли бузғунчиликлардан тоймаган оқимлар бор эди. Ўша пайтда, ана шундай бузғунчи оқимлардан бири — караматийлар ҳаж пайтида тинч аҳоли ва бир неча минг зиёратчини қиличдан ўтказиб, Каъбани вайрон қилиб, муқаддас қора тошни иккига бўлиб, бу ерга тавоф қилишни бидъат деб билишгани нечоғлик мантиққа зид кўринса, бугунги кунда илмсизликдан турли гуруҳларга қўшилиб қолган айрим ёшларнинг гўё ўзларини Ўзбекистон амирию дин пешволари ҳисоблаб, хомтама бўлиб юришлари ҳам шунчалик мантиқсизликдир.

Ўз вақтида буюк алломаларимиз ўз илм ва маърифатлари билан бундай номақбул оқимларга қарши кескин курашган эдилар. Эндиликда уларнинг асарлари ҳам улкан маънавий мерос бўлиш билан бирга ёшларни тўғри йўлга бошловчи бебаҳо қўлланмалардир.

**И.БЎРИБОЕВ**

**Абдуғани Жума олган суратлар.**

**Safar taassurotlari**

***Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаси бўйича халқаро ҳамкорлик мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигига сезиларли ҳисса қўшмоқда. Биринчидан, жалб этилаётган инвестициялар маълум маънода моддий база яратишга имкониятни кенгайтираётган бўлса, иккинчидан, ўқитувчиларимизнинг чет элларга бориб ўз малакаларини ошириб келаётганлиги, талабаларимизнинг таҳсил олаётганлиги республикамизга ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаларининг кириб келишида восита ролини ўйнамоқда. Мутахассислардан иборат кўплаб делегацияларнинг турли давлатларда ташкил этилаётган халқаро анжуманларда тенглар ичра тенг бўлиб иштирок этиб келаётганлиги эса мустақил юртимизнинг ҳар томонлама тан олиниб бораётганлигидан далолат. Шундай ташрифлардан бири яқинда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов бошчилигида ГФРнинг Бавария федерал ерида бўлди. Биз олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор ҒУЛОМОВга мурожаат этиб, ушбу сафар таассуротлари, унда кўтарилган масалалар, эришилган келишувлар ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.***

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

— Камина бир гуруҳ олимлар билан Германиядаги Бавария федерал ерининг Ғарб-Шарқ Менежмент Трайнинг Маркази («OWZ Bayern») таклифига биноан, ушбу Марказ ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган халқаро анжуманда иштирок этиш учун Германияда бўлдик. Анжуманда Америка, Европа ва Осиё мамлакатларидан 500 га яқин иштирокчи, жумладан, Бавария иқтисод, транспорт ва технология вазири О.Висхой, Немис иқтисодиёти шарқий комитети бошқаруви директори О.Вик, Европа маркетинг конфедерацияси президенти Б.Санксвит ва бошқалар қатнашдилар.

Конференциянинг очилишида сўзга чиққан О.Висхой, Б.Санксвит ва "OWZ Bayern" директори П.Мюллер мазкур анжуманга Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этаётгани ўзаро ҳамкорлик доираси кенгайиб бораётганининг далолати эканини, бу каби йирик халқаро анжуманлар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида муҳим омил бўла олишини таъкидлашди. Конференцияда "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг роли" мавзусида маъруза қилдим.

Бавария аҳолиси 11,8 млн. кишини ташкил этади. Пойтахти Мюнхен шаҳри ҳозирги кунда Бавариянинг иқтисод марказига айланган. У ерда автомобилсозлик, самолётсозлик ишлари ривожланган. Мюнхенда аҳоли кўп бўлмаса-да (1,23 млн.), таълим масканлари сони хийла салмоқли, шаҳар ўзининг университети ва бошқа олий таълим муассасаларига эга.

Бавариядаги катта шаҳарлардан яна бири Нюрнберг. Фюрт ва Эаланген шаҳарлари қатори Нюрнбергда автомобилсозлик, электротехника ва ўйинчоқлар ишлаб чиқарилиши кенг йўлга қўйилган. Нюрнбергда ҳар йили ўйинчоқлар ярмаркаси ўтказилади. Бавариянинг яна бир шаҳри Аугсбургда автомобилсозлик ва тўқимачилик саноати ривожланган.

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташаббуси ва бевосита кўмаги билан 18-20 октябрь кунлари Ўзбекистон ҳайъатининг "Сименс" фирмаси, Бавария Таълим вазирлиги, Бавария Фан, тадқиқот ва саноат вазирлиги, Бавария Иқтисод, транспорт ва технология вазирлиги, Таълим тадқиқоти ва педагогика институти раҳбарлари билан учрашувлари ташкил этилди.

"Сименс" фирмаси Халқаро масалалар бўйича минтақавий менежери Х.Хессенмюллер, фирманинг Тошкентдаги бош директори В.Куттнер билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистонда ташкил этилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлашда ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича фикрлашилди. Мулоқот чоғида мен бу ўқув муассасаларини ташкил этиш, уларни дунё андозалари талабларига мос жиҳозлаш халқаро тендер танлови асосида олиб борилаётганлиги ҳақида маълумот бердим.

"Сименс" фирмаси вакиллари Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлаб, айни пайтда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларни жиҳозлашда эълон қилинган тендер танловида иштирок этиш истагини билдиришди. Немис томони дастлаб 10-15 коллежни жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этди ва бу лойиҳани амалга ошириш учун кредит банк (KfB) билан 15—20 млн. немис маркаси миқдорида 15 йил муддатга имтиёзли кредит ажратиш масаласини деярли ҳал этганини билдирди. Ўз навбатида биз лойиҳа тайёрлаш учун ҳар томонлама кўмак беришга тайёр эканлигимизни ва бу борада "Сименс"нинг Тошкентдаги ваколатхонаси вазирлик билан доимий алоқа боғлаб турса, мақсадга мувофиқ бўлишини билдирдик.

(Давоми 2-бетда)

# JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**

**• Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистонда Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ваколатхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.**

**• Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгашининг бўлиб ўтган йиғилишида жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш ишларининг якунлари муҳокама қилинди.**

**• Тошкентдаги "Маҳалла зиёси" республика ўқув-услубий марказида "Маҳалла раҳбар ходимларининг малакаларини оширишни ташкил қилиш масалаларига оид тадбирлар" лойиҳасининг тақдимот маросими бўлди.**

**• Австралия ҳукумати Папуа—Янги Гвинея куролли кучларига беш миллион АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам ажратишга қарор қилди.**

**• Франция, Буюк Британия, Испания ҳамда Жазоирнинг бир неча йирик компаниялари Шимолий Африкадан Европага газ қувури тортиш борасидаги лойиҳани муҳокама қилишга киришди.**

**• "Толибон" ҳаракати АҚШнинг иқтисодий ёрдам эвазига халқаро террорчи Усама бин Ладинни судга топшириш тўғрисидаги таклифини рад этди.**

**• Номаълум шахслар Грузия Бош прокурори Жамлет Бабилашвилининг уйини ўмариб кетди.**

**• АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Осиё мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди.**

# УЛУҒЛАР ЁДИ

**Anjuman**

**Тошкент Ислом университетида бўлиб ўтган илмий анжуман Абу Мансур ал-Мотуридий ҳамда Бурҳониддин ал-Марғинонийлар қолдирган меросга бағишланди. Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси университет билан ҳамкорликда бу тадбирни уюштирар экан, икки улуғ алломa ижодининг аҳамиятини бугунги авлод онгига сингдиришни ўз олдига мақсад қилиб олган эди. Мисрдаги "Искандария" кутубхонаси ҳамда Қоҳира университетидан ташриф буюрган меҳмонлар Мотуридий ва Марғиноний асарларининг тақдири хусусида сўз очишди. Яъни, бу улуғ зотларнинг қаламида сайқал топган дурдоналар ўзбек халқи маънавий бойлиги эканлигига урғу беришди.**

**Ислом университети ректори муовини Абдулазиз Мансуров, шу даргоҳ ўқитувчиси Убайдулла Уватов, исломшунослар Абдулҳаким Журжоний ҳамда Зоҳиджон Исломовлар Мотуридий ва Марғиноний ижодининг ўзига хос қирраларини шарҳлаб ўтдилар.**

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

# БОЛА УЙДАН НЕГА БЕЗАДИ?

**Muammo**

*Фарзанд тириклик белгиси, кўнгил қувончи. Гўдакнинг ажиб ҳарорати, қувноқ кулгусидан эримаган дил топилмайди. Унинг ҳар бир ҳаракати шунчалик беғубор ва самимийки, беихтиёр бу ёруғ оламда шундай покиза хилқат борлигидан кўнглингиз тоғдай юксалади, яшашга иштиёқингиз ортади. Ана шу покиза юракни авайламоқ, оппоқ кўнгил тарбиясига накш солмоқ ота-онанинг зиммасидаги энг улкан масъулиятдир. Гўдак тарбиясига кечикмаслик учун фарзандни тартиб-тарбияга ўргатишни ақлини таний бошлаган ёшдан бошламоқ керак, дейди донишлар.*

*Ота-она фарзанд тарбиялар экан, келажакда барча орзу -ҳавасларимни рўёбга чиқаради, кексайганимда оғиримни енгил қилади, бири қош, бири кўз бўлиб атрофимда парвона бўлади, деб ўйлайди. Унга бор меҳру муҳаббатини беради. Бу ўй-хаёл ва яхши ниятларда ҳеч қандай таъма, ҳеч қандай ғараз бўлмайди.*

*Бу сўзлар қанчалик тўғри ва самимий бўлмасин, газетхонлар кўнглидан "барча ота-она фарзанд камолини ўйлар экан, нега унда кўча-кўйда, бозор ва бекатларда қаровсиз болалар учраб қолмоқда? Уларнинг ота-онаси борми, бор бўлса нега болаларини кўчага ташлаб қўйган, нега вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳоллари учраб турибди", деган савол ўтиши шубҳасиз...*

*...Қўйлиқ бозорининг сершовқин расталари оралаб бозорлик қилгач, қўлимдаги оғир юкларни автобус бекатига олиб боришга қийналдим ва юк аравачаси ёнида турган болани чақирдим. Бекатгача 14-15 ёшлар атрофидаги бу бола билан суҳбатлашиб бордим.*

*—Исминг нима?*

*—Орифжон.*

*—Қаерликсан, нечанчи синфда ўқийсан ёки мактабга бормайсанми?*

*—Наманганда Мингбулоқ деган туман бор, эшитганмисиз,опа. Ўша ерликман. Тумандаги 13-мактабнинг 11-синфида ўқийман. Тошкентга сентябрда келганман. Аммам билан яшайман. У киши бозорда сабзовот сотади.*

*—Нега мактабга бормаяпсан?*

*—Уйдагилар, амманг билан бирга бозорга чиқавер, дейишди. Ўқитувчиларим мактабга боргин, деб бир-икки марта уйга келишди. Ўзимнинг ўқигим келмайди.*

*Вояга етмаган бу ўсмирни, наҳотки ота-онаси ишониб узоқ шаҳарга жўнатиб юборган бўлса? Ахир у билим олиши, ўқиб-ўрганиши керак-ку! Бозорларда, кўча-куйларда, темир йўл вокзалларида гоҳ пул топиш илинжида, гоҳ бемақсад тентираб юрган вояга етмаган ўғил-қизларнинг ота-оналари, ўқитувчилари нега бефарқ? Болаларнинг уйидан чиқиб кетишига нималар сабаб бўлмоқда? Ҳар ҳолда дунё кўриш, қизиқиш ва ҳайратларига жавоб топиш учун улар уйдан қочмагандир? Айнан шу қаровсиз, эътиборсиз болалар ўртасида майда безорилик, ўғирлик каби жиноятлар кўпайиб кетмаяптими?*

*Шу саволларга жавоб топиш илинжида Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганларни қабул қилиш ва тарқатиш пунктида бўлдим.*

*Ушбу муассаса раҳбари, милиция подполковниги Маъруф Юсупов шундай дейди:*

*"Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли ушбу даргоҳ вояга етмаганлар ўртасида қаровсизлик, дайдилик, ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш ишларини олиб боради. Муассасамизга 1999 йилдан буён транзит мақоми берилган. Транзит мақоми деган сўз фақатгина Тошкент вилоятида яшовчи вояга етмаган дайди болаларнигина эмас, балки Тошкент шаҳридаги,республикамизнинг барча вилоятларидан ҳамда МДҲ давлатларидан келиб қолган болаларни ҳам қабул қилиш ва ота-онаси ҳузурига элтиб беришдир.*

(Давоми 3-бетда)

# ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

**Obuna — 2001**

**Таълимдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фаолиятга янги педагогик технологияларни жорий этиш ўқитувчилардан тизимда рўй бераётган янгиликлар, олиб борилаётган тадқиқотлар, илғор тажрибаларни мунтазам билиб боришни, ўз устида тинимсиз ишлаш ва изланишни тақозо этмоқда.**

**Бу борада "Маърифат" газетасининг ўқитувчилар эҳтиёжини қондиришда ўрни беқиёс. Газетанинг ҳар бир сонини ўқиб бориш Бухоро вилояти Коғон туманидаги таълим ходимларининг касбий эҳтиёжи ва заруратига айланган. Шу сабаб туманда кейинги йилга обуна ишлари қизғин бораяпти.**

**—"Маърифат"сиз фаолиятимни тасаввур эта олмайман, - дейди Коғон туманидаги 10-мактаб бошланғич синф муаллимаси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Муҳиба Холова, - унда мунтазам равишда бевосита таълимга дахлдор меъёрий ҳужжатлар, пешқадам ҳамкасблар иш фаолияти, ижоди, тизим ҳаёти билан танишишдан ташқари долзарб мавзудаги мақолалар, "Жумлада жаҳон", "Сўнгги уч кун муждалари", "Sport" сингари ранг-баранг рукнлардаги материалларни зўр қизиқиш билан ўқиб бораман. Ўрни келганда дарсларда фойдаланаман. "Маърифат"га келгуси йил учун ҳам обуна бўлдик.**

**Шу тариқа коғонликлар 2001 йил учун ҳозиргача "Маърифат"га 100 нусха обуна бўлишди. Бу миқдор яна кўпайиши аниқ, обуна давом этмоқда. Муаллим маънавияти, билими ва тафаккурини мунтазам бойитиб, бошқа соҳаларда юз бераётган ўзгариш ва янгиликлардан хабардор қилишда вақтли нашрларнинг аҳамияти беқиёслигини англаган тизим ходимлари бошқа газета-журналларга ҳам обуна бўлишмоқда.**

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ**

***Бавария Таълим вазири ўзаро ҳамкорликка тайёр эканлигини ва келишилган ҳолда мутахассислар, жумладан, касб-ҳунар таълими экспертларининг алмашувини йўлга қўйиш имконияти борлигини таъкидлади.***

***Менинг шахс сифатидаги илдизларим, аслиятим ота-онам, авлод-аждодларим билан бирга мактабим ва муаллимларимга ҳам бориб тақалади.***



# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Учрашув сўнгида "Сименс" фирмасининг ўқув маркази фаолияти, у ерда олиб борилаётган ишлар, ўқув хоналарининг жиҳозланиши ва ўқув дастурлари билан танишилди ҳамда ушбу ўқув марказида таълим олаётган хорижлик талабалар билан суҳбатлашилди.

Бавария таълим вазири Моника Холмайер хоним ва унинг ўринбосари В.Томе билан мулоқот чоғида таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар, бу ишларнинг истиқболлари хусусида фикрлашдик. Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг юртимиз таълим тизимини ислоҳ этишга жиддий эътибор қаратганлиги ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб, кейинги йилларда ташкил этилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятига эътиборни қаратдик. Шунингдек, Ўзбекистондаги мазкур ўқув муассасалари фаолиятини ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик қилиш ва Баварияниң бу соҳадаги илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда татбиқ этиш бўйича ўз таклифларимизни айтдик.

Бавария Таълим вазири ўзаро ҳамкорликка тайёр эканлигини ва келишилган ҳолда мутахассислар, жумладан, касб-ҳунар таълими экспертларининг алмашувини йўлга қўйиш имконияти борлигини таъкидлади.

Биз ўз навбатида жорий йилнинг 5—6 декабрь кунлари Тошкентда, ЮНЕСКО кўмагида Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш борасида миллий дастурнинг амалга оширилишига бағишланган халқаро конференция ўтказилишини маълум қилиб, М.Холмайерни ушбу анжуманга таклиф этдик, айни пайтда вазир М.Холмайер бошчилигидаги ҳайъатнинг мазкур анжуманда иштирок этиши ўзаро ҳамкорликнинг пойдеворини қўйиш ва кейинги ривожи учун муҳим аҳамият касб этишини эътироф этдик.

Бавария фан, тадқиқот ва санъат вазири ўринбосари Е.Пангерл билан бўлган учрашувда Ўзбекистон билан Бавария еридаги олий ўқув юртлари ўртасида талабалар ва ёш илмий ходимлар алмашувини йўлга қўйиш, биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда ривожлантириш бўйича фикрлашилди. Учрашувда Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида таълим тизимини ислоҳ этиш жараёнининг бориши ҳамда малакали миллий кадрлар тайёрлаш бўйича,ёшларимизнинг хорижий давлатлардаги етакчи олий ўқув юртларида таълим олишлари борасида Ўзбекистон Президенти томонидан берилаётган эътибор ҳақида етарлича маълумот бердик. Шунингдек, 5—6 декабрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган халқаро анжуманга Е.Пангерлни ҳам таклиф этдик. Ўзбекистон ва Германиянинг қатор олий ўқув юртлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигини, жумладан, Бремен еридаги Бамберг университети билан Самарқанд Давлат университети, Эрланген-Нюрнберг университети билан Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Иқтисодиёт университети ўртасида яхши ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтдик. Айни пайтда мавжуд имкониятларни ишга солиш ва бу ҳамкорлик доирасини кенгайтириш лозимлигини, бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли эканлигини қайд этдик.

Ўзбекистон делегациясининг олий ўқув юртлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш борасидаги таклифларини қўллаб-қувватлаган Е.Пангерл ушбу алоқаларни фақат университетлар доирасида эмас, балки Бавариядаги мавжуд махсус олий ўқув юртлари билан ҳам йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади. У махсус олий ўқув юртларида ўқиш билан бирга илмий тадқиқотлар уйғун ҳолда олиб борилишини, шу боисдан талабаларнинг ҳам назарий ва ҳам амалий билим олишларига катта имконият яратилганлигини қайд этди. Шунингдек, Бавариядаги университетларда ўқишлари учун ўзбекистонлик талабаларга стипендия ажратишда кўмак бера олишини маълум қилди.

20 октябрь куни камина Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси В.Норов билан бирга Бавария федерал ерининг Иқтисод, транспорт ва технология вазири О.Висхой билан учрашдим. "OWZ Bayern" директори П.Мюллер иштирок этган бу учрашувда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, республикада иқтисодий ислоҳотнинг бориши, ўзбек-немис савдо-иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, биз Ўзбекистондаги ўрта ва кичик корхоналар вакиллари, тадбиркорларнинг малакаларини ошириш бўйича икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга, шунингдек, Бавариядаги фирма ва компанияларни Ўзбекистонда ташкил этилган коллеж ҳамда лицейларни техник жиҳатдан жиҳозлашга кўмаклашишларига етарлича асос борлигини таъкидладик. Жумладан, "OWZ Bayern" билан ҳамкорликда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошида Ўзбекистон — Бавария Менежмент Трейнинг Марказини ташкил этиш борасида келишиб олинганлигини қайд этдим. Учрашувда Тошкентдаги "OWZ Bayern" Марказидан тараққиёт режаларини мувофиқлаштириш учун ахборот базаси сифатида фойдаланишга келишиб олдик.

О.Висхой Бавария федерал ери Ўзбекистон билан кадрлар тайёрлаш борасида, шунингдек, иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканлигини билдирди.

Шу куни делегациямиз Тошкентда Ўзбекистон — Бавария Менежмент Трайнинг Марказини ташкил этиш борасида "OWZ Bayern" директори П.Мюллер билан музокара ўтказди. Учрашувда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда ва бозор иқтисодиётига ўтишда кўмаклашишга, Ўзбекистон ва Бавариядаги корхоналар ўртасида амалий алоқаларнинг ўрнатилишида ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, ўрта ва кичик корхоналар фаолиятига кўмак бериш, корхоналар раҳбарлари ҳамда мутахассислари малакасини ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

П.Мюллер 100 нафар ўзбекистонлик мутахассиснинг "OWZ Bayern"да малакаларини ошириш учун барча харажатларни ўз зиммаларига олишни билдирди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1,5 миллион АҚШ доллари ажратилганини маълум қилди.

Музокара якунида "OWZ Bayern" билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди ва Тошкентдаги "OWZ" Маркази директори этиб профессор М.Қосимова тайинланди.

Ўзбекистон делегациясининг Бавария федерал ери Таълим вазирлигига қарашли Таълим тадқиқоти ва педагогика институти директори П.Майнел билан учрашувида эса касб-ҳунар мактаблари фаолияти, уларнинг жиҳозланиши ва ўқув дастурлари ҳақида ўзаро фикрлашилди.

Биз Ўзбекистонда ташкил этилган касб-ҳунар коллежлари, айниқса, телекоммуникация, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, электроника, қурилиш каби ихтисосликлар бўйича педагог кадрларнинг Баварияда малакаларини оширишни ташкил этиш ҳамда ўқув дастурларини тайёрлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича таклифларимизни билдирдик.

П.Майнел касб-ҳунар таълими бўйича ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини ва Тошкентдаги анжуманда иштирок этиб, ушбу йўналишда Бавария ери тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, маъруза қилишини билдирди.

Хулоса қилиб айтишим мумкинки, Баварияга хизмат сафаримиз самарали кечди, ўтказилган учрашувлар, анжуман ва аҳдлашувлар, шубҳасиз, Ватанимиз келажагини таъминлашда етакчи мутахассислар бўлиб камол топадиган ёш авлод таълим ва тарбиясида жуда асқотади, деб ўйлайман.

# УЛУҒ ИМОМЛАР ВА "КИЧИК АКАДЕМИЯ"

**Маълумки, истиқлолимиз шарофати билан бошланган туб ислоҳотларнинг асосий бўғинларидан бири халқ таълимидаги ислоҳотлар бўлди. Бугун республикамиздаги минглаб ҳамкасбларимиз шу янгиланишлар, изланишлар асосида янгиланаётган Ўзбекистон фуқароларини комил инсон даражасида тарбиялаш учун фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар.**

**Ислоҳотлар руҳи билан яшаётган бизнинг тарих фанига ихтисослашган 216-мактабимизда ҳам янги ўқув йили ўзига хос кўтаринкилик ва алоҳида масъулият билан иш бошланди. Мактабимиз ЎзР ФА Тарих институти билан икки йилдирки, "Ҳаққоний тарихимизни ўрганишда фан ва таълим уйғунлигига эришиш" мақсадида доимий ҳаракатдаги семинарларни ўтказиб келмоқда. Ана шундай семинарларимиздан бири яқинда бўлиб ўтди. Бу семинаримиз улуғ имомларимиз Абу Мансур ал-Мотурудий таваллудининг милодий ҳисоб билан 1130 йиллигига ва Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг ҳижрий ҳисоб билан 910 йиллигига бағишланди. Семинаримиз "Кўҳна тарихимиздаги ватанпарварлик, адолатпарварлик ва демократик ғояларни ўқувчилар онгига сингдиришда Абу Мансур ал-Мотуридий ва Бурҳониддин ал-Марғиноний илмий меросларининг аҳамияти" мавзусида бўлиб, бунда биз Юртбошимизнинг "Миллий мафкура бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ўлмас эътиқодидир", деган фикрлари нақадар тўғрилигини, у исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлигини ўқувчиларимизга, семинар қатнашчиларимизга етказишга ҳаракат қилдик. Бу ғоявий мақсадимиз — семинаримиз дастурида белгиланган 3 та очиқ дарсларимизда "Кичик Академия"мизнинг "Ўқувчи аспиранти" Азимхўжа Рустамхўжаевнинг "Ҳуқуқий демократик жамият қуришда Мотуридий илмий ижодидаги ҳуқуқий ва маънавий қадриятлардан фойдаланиш" мавзусидаги кичик ижодий ҳимоясида ЎзФА Тарих институти илмий ходими Суръатжон Исоқовнинг ва Ўзбекистон Миллий университети магистри Зиёвиддин Жўраевнинг улуғ имомларимиз ҳақидаги илмий маърузаларида атрофлича, ўзига хос миллийлик ва янгилик билан ёритилди.**

## Ajdodlar va avlodlar

**11-синфдаги "Инсон ва жамият" фанидан "Темур тузуклари" сатрлар ортида" мавзусидаги мунозарали баҳс дарсидаги асосий ғоя — Инсон қадр-қиммати ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳурмат қилиниши лозимлиги Темур "Тузуклари" ва Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқлари асосида кўриб чиқилди. Ушбу дарсда Мотуридийнинг, Марғинонийнинг фикрлари орқали ўқувчиларимизга инсонпарварлик ғоялари бизнинг миллий қадриятларимизда, динимизда, қалбимизда, кундалик турмушимизда, руҳимизда қарор топган ғоя эканлигини яна бир карра кўрсатди.**

**Мустақиллигимиз сабабли биз бундай хайрли ишларга қўл уряпмиз. Мустабид совет тузуми буюк тарихимиз варақларидан жой олган, авлодлари бехабар, лекин жаҳон илм афкор оммасига маълум бўлиб келган, бундай илмсевар, ватанпарвар инсонларни атайлаб яширди. Мотуридий бобомизнинг дунёда ягона қўлёзмаси нусхасини Англиянинг Кембридж Университети кутубхонасида кўриб келган бир мисрлик олим, буюк Ҳаким Фахриддин ал-Розий тўғрисида ёзиб турган диссертациясини йиғиштириб ўша қўлёзма билан қизиқиб қолади. Алалхусус, 1974 йилда Имом Мотурудий ҳақида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади.**

**Ҳа, нари борса икки йил аввал биз исм-шарифларини ҳам қийналиб талаффуз этган ал-Мотурудий бобомиз Ислом динининг софлиги учун курашган Мўътабар зотдир.**

**Семинар ишида ЎзФА Тарих институти илмий ходими Суръатжон Исҳоқов ал-Марғиноний ҳақида, Ўзбекистон Миллий университети магистри Зиёвуддин Жўраев ал-Мотуридий ҳақида илмий маърузалар қилдилар. Шаҳар тарих ўқитувчиларининг сардори Мукаррам опа Мўйдинова тарих фани ўқитилишида, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда бу улуғ имомларимизнинг фаолиятини ёшларга ўргатишимиз ва айниқса, ҳозирги диний оқимларнинг салбий кўринишлари мавжуд вақтда бу ўта долзарб эканлигини айтдилар.**

**Ҳимоя ўтаётган катта залимизнинг орқа ўриндиқларида ҳали "Ижодий ишини" ёқламаган "аспирант"ларимиз ҳаяжон билан "ҳимоя"ни кузатдилар. Бинобарин, Азимхўжадан кейинги Фурқатжон, Сабоҳатхон, Турсуной каби "аспирант"ларимиз бу вақтни интиқлик билан кутяптилар. Биз устозлар эса маънавият даҳоларимизнинг илмий мероси ва Миллий мафкурамизнинг фалсафий негизи бўлган ҳаққоний тарихимизни англайдиган, ундан руҳий қувват оладиган шогирдлар етказишдек савобли ишни давом эттираверамиз.**

**Мавжуда ВОҲИДОВА,**
**Тошкент шаҳридаги тарих фанига ихтисослашган 216-мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор муовини**




# ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

**Республикамизнинг барча вилоятлари ва туманларида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар сараланмоқда. Куни кеча 324-мактабда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси мактаблари ўртасида "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг туман ғолиблари аниқланди.**

**Ушбу кўрик-танловда иштирок этиш учун доно, ақлли, лобар қизлар аввал мактабларда, сўнгра туман миқёсида беллашдилар. 26 нафар ўқувчи-қиз иштирок этган ушбу кўрик-танловда 12 нафар ўқувчи адабиёт йўналишида, 11 нафар қизлар санъат (ҳайкалтарошлик, рассомлик, раққосалик), 2 нафар ўқувчи маданият йўналишида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ҳакамлар ҳайъати рассомчилик йўналиши бўйича Миробод туманидаги 110-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Лайло Байкенова ни шаҳар босқичида иштирок этиш учун тавсия этди. Адабиёт йўналиши бўйича Юнусобод туманидаги 21-мактаб ўқувчиси Муниса Нишонова, санъат йўналиши бўйича Ҳамза туманидаги 230-мактаб ўқувчиси Дилноза Шерматовалар ғолиб деб топилдилар.**

**Ғолиб қизларни шаҳар миқёсида бўлиб ўтадиган кўрик-танлов кутмоқда.**

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

**Суратларда: тадбирдан лавҳалар.**

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**



## Amaliyotchi fikri

# ЯХШИ ДАРСЛИК — САМАРАЛИ ДАРС ДЕМАК

Мамлакатимизда таълим соҳасида туб ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда, ўқувчиларга чуқур ва давр талабига жавоб берадиган даражада билим, таълим-тарбия беришда ўқув фани дарсликларининг мазмун ва эстетик жиҳатдан тузилиши катта аҳамият касб этади.

Дарсликлар давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларидаги фанлар бўйича режалаштирилган мавзуларни қамраб олар экан, улардаги ҳар бир дарс учун ажратилган мавзу мазмун ва мураккаблиги жиҳатидан ўқувчиларнинг ёшига мос бўлиши, зерикарли бўлмаслиги ва ҳар томонлама қизиқарли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Мен мактабда немис тили фанидан дарс берар эканман, нафақат хорижий тиллар бўйича дарсликларни, балки бошқа фанларни ҳам назарда тутмоқдаман. Ҳозирги давр хорижий тил ўқитувчиларининг ўз фанлари бўйича олдиларига қўйган асосий мақсади, албатта, ўқувчиларнинг оғзаки нутқ малакаларини ўстириш, уларнинг хорижий тилда бемалол мулоқот қила олишига эришишдир. Немис тили фанидан ҳозиргача фойдаланиб келинган дарсликлар қандай самара берди, ўқитувчи бу дарсликлардан фойдаланиб ўз олдига қўйган мақсадга тўлиқ эришиш имкониятига эга бўлдими? Шу саволлар билан ўз ҳамкасб-газетхонларга мурожаат қилар эканман, янги яратилаётган дарсликларнинг таркиб тузилишига ўзимнинг баъзи таклифларимни баён этишни лозим топдим:

— ўқувчиларнинг оғзаки нутқ малакаларини ўстиришда катта роль ўйнайдиган, тасдиқ ёки инкор жавобларини талаб қилувчи машқларнинг кўпроқ бўлиши (V - VI синфларда);

— янги лексикани ва ибораларни киритиш ва ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган савол-жавоб машқларининг албатта бўлиши, уларнинг расмлар, ҳар хил белгилар, схемалар ёрдамида ўзлаштирилиши;

— хорижий тилдан она тилига, она тилидан хорижий тилга таржима қилинадиган машқларнинг етарлича бўлиши;

— ҳар бир оғзаки ёки грамматик мавзудан сўнг ўқувчиларнинг билим савиясини аниқлайдиган тест-синов машқларига эга бўлган дарслар бўлиши;

— V-VI синфлар учун содда, ўзлаштирилиши тез ва осон кўчадиган суҳбат-диалогларнинг кўпроқ бўлиши;

— ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ошириш талабларига жавоб берадиган машқлар бўлиши (масалан, аралаш берилган гап бўлакларини мазмунига қараб, ўрнига тўғри қўйиб гаплар тузиш);

— ўтилаётган мавзуга оид расм-режалар, чизмалар, схемалар, жадваллар бўлишини таъминлаш (булар ўқувчини ўйлашга, мустақил фикрлашга йўналтиради);

— ўқувчилар шундай диалоглар ва қисқа ахборотлар устида ишласинки, ундан кейин бериладиган таянч сўзлар ва иборалар ўқувчиларни шунга ўхшаш диалог ва ахборотлар тузишга ундасин;

— немис халқи анъаналари ва миллий байрамларини ўрганиш билан бир қаторда, ўзбек халқининг миллий байрамлари мавзуларга киритилиб ўрганилиши;

— матн ва машқларда ҳали ўзлаштирилмаган грамматик мавзуга оид гапларни ишлатмаслик, умуман грамматик қоидаларга дарсликларда кўп ўрин бермаслик;

— мавзу бўйича, тинглаб тушуниш учун ва уйда ўқишга бериладиган матнлар мураккаблиги жиҳатидан ўқувчилар ёши, синфи ва билим савиясига мос бўлиши, бундай матнларда илк бор учраётган сўз ва фразеологик ибораларнинг таржимаси ёки изоҳи матн охирида, албатта, берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Рисбой Жўраевнинг "Маърифат" рўзномасида чиққан ҳозирги вақтнинг долзарб масаласи бўлиб турган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тўғрисидаги сермазмун ва танқидий мақоласи менда чуқур таассурот қолдирди ва юқорида баён қилган фикр-мулоҳазаларимни ёзишга даъват этди. Албатта, бу мақоладан сўнг республикамизнинг тажрибали, жонкуяр ўқитувчилари ўзларининг таклиф ва маслаҳатлари билан чиқсалар керак. Умуман республикамизнинг энг илғор ва тажрибали ўқитувчиларининг дарсликлар яратилиш жараёнига таклиф қилиниши ва иштироки мақсадга мувофиқ бўлиб, бу яратилаётган дарсликлар давр талабига жавоб беради. Ўқитувчилар бундай дарслик ва қўлланмалар билан дарс бериш жараёнида юқори самарадорликка эришади, деб ишонаман.

**Азберген АБДИЖАНОВ,**
**Каттақўрғон шаҳридаги Қ.Естемесов номидаги 11-ўрта мактаб немис тили фани ўқитувчиси**

# ТАЛАБАЛИККА БАҒИШЛОВ

## Tadbir

Яқинда Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрида бу йил Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежининг биринчи курсига қабул қилинган 170 нафардан зиёд талаба қизларнинг талабаликка бағишлов кечаси бўлиб ўтди.

— Коллежимизда маданий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади, — дейди маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Дилмурод Собиров. — Талабаликка бағишлов кечаси талабаларимиз ҳаётида унутилмас кунлардан бири бўлиб қолишига аминман. Зеро, бу кун талаба қизларимиз она-Ватанга, Президентимизга, давлатимиз ва халқимизга садоқатли бўлишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

Талабаликка бағишлов тантаналари юқори курс талабаларининг ижодий чиқишлари, коллеж раҳбарияти ва ота-оналарнинг табригига уланиб кетди. Тадбир сўнгида Муқимий номидаги театр актёрлари "Супер қайнона" спектаклини намойиш этишди.

**Шоира ЖЎРАҚУЛОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# ТАФАККУР ВАТАНИ

Инсон туғилиб ўсган макон — Ватан дея муқаддас ном билан аталади. Назаримда, мактаб ҳам мана шу улкан тушунчадаги Ватан ичра яна бир Ватандир. Биз онадан туғилиб, оила муҳитида жисман ва маънан тарбия топиб улғая бошлаганмиз, шахс сифатида шаклланишимиз мактаб таълимига боғланади. Биз илк бор мактабда савод чиқарамиз, маърифат ҳосил қиламиз. Мана шу тафаккур масканида илк ижтимоий қарашларимиз шаклланади. Мактаб бизга ёзишни, ўқишни, фикрлашни ўргатади. Яъни, тафаккур қобилиятини шакллантиради. Демакки, бутун умримиз мобайнида энг олий неъматни мактаб беради бизга. Ҳаётимиздаги ҳеч қайси босқич мактаб босқичи қийматига тенг келолмайди. Чунки ўн йиллар мобайнидаги мактаб таълимида шаклланган саводхонлигимиз, олган билимимиз, дунёқарашимиз, тафаккур тарзимиз бизнинг келажагимизни белгилайди. Аср билан бўйлашгулик ҳаётий тажриба ана шу мактаб таълим пойдеворига таянади. Агар шу пойдевор мустаҳкам бўлса, келажак порлоқ, равнақ ва тараққиёт сари боради. Мабодо, бу пойдевор заиф бўлса, келажак нурсиз, умр бесамар кечади.

Биз ҳаётда ютуқларга эриша борсак, мактабимизни қувонч билан эслаймиз, унга нисбатан миннатдорчилик туйғуси билан яшаймиз. Мактабимизни худди онамиздек соғиниб, қўмсаб турамиз. Аксинча, ҳаётда кўпроқ қийинчиликларга дуч келсак, мактаб ва муаллимимизни алам билан хотирлаймиз.

Мен шу пайтгача қандай ютуқларга эришаётган бўлсам, бунинг учун она-мактабимдан миннатдорман. Ғиждувон шаҳридаги Улуғбек номли ушбу илм маскани ташкил топганига етмиш беш йил тўлди. Мактаб даврида мен билимли, ҳалол, фидойи, чинакам педагоглар авлодидан таълим олганимдан бахтиёрман. Янглишмасам, шундай зукко, тажрибали, етук ўқитувчиларнинг бир маърифий жамоада тўпланиб, ўн йиллаб (балки йигирма йиллабдир) муқим ишлаши мактаб тарихининг олтин даврини ташкил этса керак. Бошланғич мактабда биринчи ўқитувчим Адолат Ёқубовада меҳр-муҳаббат, сабр-тоқат, мурғаккина гўдакнинг кўнглини топиш, тўғри йўлга солишдаги тиришқоқликнинг олий тажрибасини кўрганман.

Синф раҳбарим, раҳматли Валентина Дударева жонфидолик ва куюнчакликнинг намунаси эдилар. Оллоҳ шойистаи жаннат, ғариқи раҳмат қилган бўлсин. Сайфиддин Ражабов маориф даргоҳларини бошқаришда, талабчанликда, синчковликда, ташкилотчиликда, ташаббускорликда, қаттиққўлликда, самимийликда ман-ман деган раҳбарларга ўз фаолиятлари билан сабоқ берардилар. Мен саводхонликни, тил ва адабиётни ҳис қилишни, шеър айтиш ва нутқ маданиятини ўзбек тилини чуқур тушунадиган, тушунтирадиган, дарс ўтишни санъат даражасига кўтарган Саида Бақоевадан ўзлаштирган бўлсам, ажаб эмас. Тарих ва география фанларини ўқитишда, нотиқлик санъатига, сиёсатдонликда, дарсхонани итоатда тутишда, ўқитувчиликдаги артистизмда Саври Юсуповга тенг келадигани йўқ эди. У ўқувчиларни, муболағасиз, сеҳрлаб олардилар. Оллоҳ раҳмат қилсин.

Биз ўқиган давримизда Сайфиддин Ражабов директор, Рисолат Нажмиддинова илмий мудир — гўё бирлари шоҳ, бирлари вазир мақомида эдилар. Рисолат Нажмиддинованинг мактаб раҳбарлиги сиёсатини ўта талабчанлик билан юргизишидан фақат ўқувчиларгина эмас, балки ҳар бир ўқитувчи ҳам зир титрарди. Дарсда эса бу муаллима фақат талабчанлик билан эмас, балки чуқур билим билан, кимё фанини эртак сўзлагандай маҳорат билан тушунтириш орқали ўқувчиларни лол қолдирарди.

Хушқомат, ёқимтой чеҳрали, ҳаракатчан, шиддатли математика ўқитувчимиз Зариф Аҳроров билан адабиёт ҳақида ҳам бемалол суҳбат ва баҳс қуриш мумкин эди. Кимё ва биология фанларининг моҳир ўқитувчиси Мунаввар Раҳимованинг масъул ва фидокорлигига биргина далил келтиришим мумкин. У синф раҳбари сифатида ўз ўқувчиларининг дарсдан кейин, то ота-онаси бағрига етиб боргунича ўзини жавобгар сезарди. Бир гал унинг дарслар тугагач, бир неча соатдан кейин ҳам уйларига боришни хаёлига келтирмаётган ўйинқароқ болаларни мактабнинг бепоён спорт майдони бўйлаб қувиб, кўчама-кўча уйигача кузатганининг гувоҳи бўлганман.

Тарих ўқитувчиси Шаҳрия Қоҳированинг ўтмишни изчил мазмунда, мароқли оҳангда баён этишлари ҳамон қулоғимда, нурли чеҳралари эса кўз ўнгимда. Оллоҳ раҳматига олган Ҳамро Ўроқов домланинг адабиёт тўғрисидаги мағзи тўқ маъруза ва суҳбатлари, илмий мудир сифатидаги ўгит-насиҳатлари умрбод менга устоздир.

Мен беш йил мобайнида француз тилини муҳтарама Мелслана Муқимовадан ўрганиш бахтига муяссар бўлганман. Мана, мактабни битирганимизга ўттиз йил бўлибдики, бу сабоқлар ёдимдан чиққани йўқ. Француз тилини биладиган одам учраши билан бисотимиздаги французча гап-сўзларни қовуштириб, бир шакаргуфторлик қилиб оламан. Тақдирнинг инъоми билан Европага — Франция, Голландия мамлакатларига сафарга бордим. Париж телевидениесида 50 та канал бўлиб, ҳаммасида кўрсатув француз тилида олиб бориларкан. Мана шу кўрсатувлар Мелслана опа ўргатган француз тилини хотирамда қайта тиклагандай бўлди ва мен муаллимам болалик хотирамга жойлаган гўзал Париж кўчаларида бемалол французча

## Ehtirom

сўзлашдим, сайр этдим, машҳур Эйфел минорасини бошдан-оёқ, қадам-бақадам юриб томоша қилдим. Буларнинг барчаси учун яна бир бора мактабим ва муаллимларимга ташаккур изҳор этаман.

Қисқагина бу битикда мактабим ва муаллимларимнинг маънавий қиёфаларига шошилинч ва сезилар-сезилмас чизгилар чизиб ўтолдим, холос. Аслида, улар ҳақида бир китоб ёзса арзийди. Эҳтимол, мен ўз муаллимларимни ортиқча мақтаб юборгандирман. Бундан ҳозирги ўқитувчилар ранжимаслар, деган умиддаман. Зеро, улуғларнинг фаолиятлари биз учун ибрат ва намуна мактабидир. Зотан, улар менинг муаллимларимдирлар. Мен уларнинг фарзандидирман. Менинг тафаккур томирларимда уларнинг юрак қонлари оқяпти. Менинг шахс сифатидаги илдизларим, аслиятим ота-онам, авлод-аждодларим билан бирга мактабим ва муаллимларимга ҳам бориб тақалади.

Унутмайлик, мактаб ва муаллимни қадрламоқ Ватанни қадрламоқ билан баробардир.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори**

# БОЛА УЙДАН НЕГА БЕЗАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бизга олиб келинган ҳар бир бола билан якка тартибда, профилактик иш олиб борамиз. Боланинг уйдан кетиб қолиш сабабларини чуқур ўрганамиз. Оиладаги носоғлом муҳит, яъни ота-онасининг кўп жанжаллашиши, моддий томондан қийинчилик бўлиб туриши, ота ёки онанинг ўгай бўлиши болаларнинг ўз уйларидан кетиб қолишларининг асосий сабабларидир. Боланинг дайди бўлиб кетишининг яна бир сабаби шундаки, унинг мактабга бориб-келиши ота-она томонидан назорат қилинмайди, ўқитувчи ва ота-она ўртасида ҳамкорлик йўқ. Биз ҳар бир олиб келинган боланинг шахсини, манзилгоҳини аниқлаб, ўша жойдаги ҳокимият ва ички ишлар бўлимларига хат-хабар жўнатамиз. Жойлардаги хокимиятлар дайди болалар билан қандай иш олиб боряпти, уларнинг оиласи билан шуғулланяптими, йўқми? Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори чиққан. Шу қарор асосида ҳар бир дайди бола ўз уйига жўнатилгандан сўнг ўша ердаги, маҳаллий ҳокимият қошидаги комиссиялар бола билан алоҳида шуғулланиши, суҳбат олиб бориши керак. Унинг оиласидаги шароит билан танишиб чиқиш, болани рўйхатга олиш ҳам улар зиммасида. Қисқаси, ҳар бир бола улар назоратида бўлиши шарт.

Муассасамизга ҳар куни турли ёшдаги болалар келтирилади. Баъзи кунлари 10-15 нафар қочоқ болани қабул қиламиз. Бир ой давомида 70-80, ҳаттоки 100 нафаргача каровсиз болалар бу ерга олиб келинади. Жойлардаги ички ишлар бўлимлари, прокуратурага хабар жўнатганимиздан сўнг баъзи болаларни ота-оналари олиб кетишади, баъзилари ходимларимиз томонидан олиб бориб қўйилади. Йил давомида 700 нафар болани қабул қилган бўлсак, шулардан фақатгина 100 нафарини ота-онаси келиб олиб кетган, холос. Бу муассасага асосан 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар келиб тушади. Шунингдек, бу ерда кичик ёшли (3 ёшдан 10 ёшгача бўлган) болалар ҳам сақланади. Ота-онаси йўқ, қаровсиз қолган болаларни мактаб-интернатларга, меҳрибонлик уйларига барча ҳужжатларни расмийлаштириб жойлаймиз. Шу мақсадда биз вилоят ҳудудидаги мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари билан ҳамкорликда иш олиб борамиз".

Вояга етмаган болалар ётадиган, машғулот ўтадиган, ўйнайдиган хоналарни кўздан кечирдик. Бу ерда яхши шароит яратилган. Оппоқ чойшаблару сочиқлар, қизлар ва ўғил болалар хоналари, кичик ёшдаги болалар учун ажратилган бурчак ва ўйинчоқлар... Афсуски бундай шароитлар болага ҳузур-ҳаловат ва хотиржамлик беролмайди. Сабаби, бу ерда уларни тутқун деб ҳисоблашади. Болаларни тезроқ уй-уйига, яшаш жойига жўнатиб юбориш чоралари кўрилади.

Биз борган пайтда болалар машғулот ўтаётган экан. Маъруф Юсупов бир қизчага қарадию: "Ия, яна келдингми, яна интернатдан қочибсанда. Бу иккинчи маротаба келишинг бўлса керак-а?", деб сўради. Қизча эса "учинчи марта" деган жавобни берди.

Бир боладан нечанчи синфда ўқийсан, қандай қилиб бу ерга тушиб қолдинг, ота-онанг сени излаб келишдими, деб сўраганимда у шундай жавоб берди:

—Мени бу ерга учинчи маротаба олиб келишди. Оилада беш фарзандмиз. Отам ўгай бўлганлиги учун, уйдан қочиб кетдим. Бухоро вилояти Ғиждувон туманиданман. 3-синфгача мактабга борганман, холос.

—Ҳозир нечанчи синфда ўқишинг керак эди?

—Билмайман.

Фазлиддин Омонов Навоий шаҳридаги 5-мактабда ўқир экан. Унинг онаси «тоғангни кўриб келасан», деб бир ўзини Тошкентга жўнатиб юборибди. Фазлиддин 20 кундан бери отчопар бозорида юрган экан. Бу ерга учинчи ноябрь куни келиб тушибди.

Абдуваҳоб Исҳоқов Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 29-мактаб ўқувчиси. Отаонаси уни бир қўшниси билан бирга Тошкентга, «ишлаб пул топасан», деб жўнатиб юборишибди. Отчопар бозорида юрган вақтида ички ишлар ходимлари томонидан бу ерга келтирилибди.

Ушбу муассасада республикамизнинг барча вилоятларидан ташқари Тожикистон Республикасидан Тошкентга турли мақсадларда келган болалар ҳам бор.

Бу болаларнинг аксарияти оиладаги қаровсизлик, ҳар кунги уруш-жанжаллардан қочиб, ота-онанинг эътиборсизлиги оқибатида, муаллимларининг бепарволиги натижасида уйдан қочиб кетишган.

Хўш, нега болалар қайта-қайта ўз уйидан қочиб кетмоқда, оиласидаги муҳит, шароит шунчалар ёмонми?

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 30-моддасида ота-оналар ёки қонуний вакилларининг вазифалари ҳақида шундай дейилган: "Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар". Бундан кўриниб турибдики, ота-оналар нафақат маънавий жиҳатдан балки қонун нуқтаи назаридан ҳам болани вояга етгунча тарбиялашлари, унга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишлари шарт ва зарурдир.

Ушбу Қонундан ташқари 1993 йилда тарбия жараёни иштирокчилари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида "Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги" Концепцияси ишлаб чиқилган. Бу Концепция бугунги куннинг маънавий, маърифий, мафкуравий, тарбиявий заруриятидир. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устиворлигини таъминлаш "Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги" Концепциясининг асосий мақсадидир. Бу Концепцияда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги жараёнида оиланинг, маҳалланинг, мактабнинг вазифалари айтиб ўтилган.

Бугун барча жойларда маҳалла, оила, мактаб ҳамкорлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Хўш, тарбия учун масъул бўлган шахслар ота-она, мактаб жамоаси, маҳалладаги кўпни кўрган отахон ва онахонлар боланинг келажаги учун бугун нималар қилмоқдалар?

Вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланиш, уларни оғир жисмоний ишлар билан банд қилиш ҳоллари ҳам республикамизда учраб турибди. Ҳаммамиз бозорларда аравачалар ёллаб ўсмир болалар меҳнатидан фойдаланамизу унинг исми, турар жойи, ички дунёси билан танишмаймиз. Уларнинг кўнглига йўл топиш йўлларини қидирмаймиз.

Вояга етмаган болаларнинг ўз уйларидан қочиб кетиш сабаблари турли-туман. Болаларнинг қочиб кетишлари ҳақида бир хил фикр, бир тўхтамга келиш мумкин эмасдек.

Янгийўл шаҳридаги Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли вояга етмаганларни қабул қилиш ва тарқатиш пунктига баъзи саволларга жавоб топиш илинжида борган эдим. У ердан ҳам бир дунё саволлар билан қайтдим. Хулоса эса оддий.

Бола камолоти учун, унинг билимли, ҳунарли, ҳар томонлама баркамол бўлмоғи учун ҳаммамиз масъулмиз. У кимнинг боласи бўлишидан қатъий назар. Ахир фарзандларимиз бизнинг ишончимиз, келажакнинг эгалари. Ота-она, муаллимлар елкаларидаги масъулиятни, юкни ҳис қила олишлари, бола тарбиясида ўзларининг нақадар жавобгарликларини унутмасликлари зарур. Шундагина ҳеч қайси бола ўз уйидан қочиб кетмайди. Кўчаларда пул топиш илинжида, кимларнингдир юкини кўтариб юрмайди. Чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, оғир жиноятларга қўл уриш каби ёмон иллатларга одатланиб қолмайди.

Баркамол авлод орзуси билан яшаётган барча кишилар вояга етмаганлар тарбияси, уларнинг ўқиши, билим олиши учун елкаларидаги қарздорлик ҳиссини ҳис қилиб яшашлари шарт.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**

***Эскартма: Газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари ва вазифалари нималардан иборат эканлиги хусусида ҳуқуқшунос билан бўлган суҳбатимизни ўқишингиз мумкин.***





**Ватан, маънавият тушунчаларини ўқувчи қалбига сингдира олиш ўқитувчидан кўп нарсани талаб қилувчи вазифадир. Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 111-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Олия Абдиева бу вазифани уддалай олаётган ўқитувчидир. Ўттиз уч йиллик меҳнат фаолиятига эга бу муаллима ўқувчиларга "Ватан туйғуси", "Маънавият асослари" дарсларини ўтиш билан бирга мактабдаги "Тил ва адабиёт" услубий бирлашмасини бошқариб келмоқда.**
**Суратларда: 1. Олия Абдиева VI-синф ўқувчиларига "Ватан туйғуси" дарсини олиб бормоқда.**
**2. Саида Қодирова ушбу мактабда ўқиган ва шу мактабда ёшларга таълим-тарбия бериб келаётир. У дарсдан бўш вақтларида адабиёт тўгарагини олиб боради.**
**Саида Қодирова мактаб кутубхонасида ўқувчиларга бадиий адабиёт ҳақида тушунча бераяпти.**
**Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

## ХОТИРА КЕЧАСИ

*Ўтаётган асримизда юртимизда кўплаб янгиликлар дунёга келди, ривожланди ва ривожланмоқда. Шулардан бири — театр. Халқимизда кўплаб санъат арбоблари етишиб чиққан. Шулардан бири Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроевдир.*

*Улуғ сиймо Р.Ҳамроев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрида ўтказилди.*

*Хотира кечасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев, Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев ва бошқалар миллий театримизнинг атоқли намоёндаси Р.Ҳамроевнинг санъатимиз ривожига қўшган ҳиссаларини айтиб ўтишди. Шунингдек, санъаткорлардан Камолиддин Раҳимов, Нуриддин Ҳамроқулов, Марям Сатторовалар ўз қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.*

**Ҳусниддин ТОШКЕНБОЕВ,**
**ТДСИ талабаси**

## АҚЛ ВА РУҲ СИНОВЛАРИ

***Республика ташхис маркази болалар ва мактаб ўқувчиларини соғликлари, иқтидор ва салоҳиятларини аниқлашда жаҳон тажрибаларига суянган ҳолда руҳий-педагогик синовдан ўтказиб, уларга зарурий йўлланмалар бермоқда. Эндиликда мустақил ҳаёт остонасида турган ёшлар касб танлашда адашмайдилар.***

— Жаҳонда, айниқса, Ғарбда шахс таркиби ва унинг мазмуни аллақачон олимларнинг синчков назарига тушган. Шахс мўъжизаси ҳар хил усулларда ўрганилмоқда ва бунинг натижасида ундан илмий ва амалий мақсадларда фойдаланилмоқда, — деди республика Ташхис маркази бошлиғи, психология фанлари доктори Ботир Қодиров "Туркистон-пресс" мухбирига. — Марказимиз жаҳон олимларининг ана шу тажрибаларига суянган ҳолда, болаларни соғломлаштириш, психологик ташхис этиш ва истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди. Касбга йўналтиришнинг ташкилий, илмий, дастурий таъминот соҳаларида методик ёрдамни амалга оширяпмиз. Бу йил марказимиз томонидан "Қадриятлар йўналишлари саволномаси", "Қизиқишлар харитаси", "Синф зукколарини танлаш", "Шахс йўналганлигини аниқлаш методикаси" қўлланмалари ишлаб чиқилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари тузилмасида шаклланган ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказларининг фаолиятлари мувофиқлаштириб, илмий-педагогик ва маслаҳат хизматларини ташкил этганмиз.

Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг қизиқишлари, туғма лаёқат, ақлий қобилият ва шахсига хос индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ташхис этиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтирилмоқда. Бу эса мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларнинг ўз лаёқатларига яраша касб танлашларига ёрдам бермоқда.

**"Туркистон-пресс"**

## Taqriz

# "ЮРАКНИ ЭРИТАЙЛУК, РУҲ БЕРАЙЛУК..."

Атоқли адиб Абдулҳамид Чўлпоннинг "Адабиёт надир?" номли мақоласи билан бошланувчи "Адабиёт — руҳият мулки" номли бир ажо-йиб тўплам яқинда нашрдан чиқди. Илк мақола муаллифи шоир Чўлпон бадиий китоб ўқишнинг инсон руҳий оламини бойитишга бўлган таъсири ҳақида ўзининг қимматли кузатишларини баён қилади. 1914 йилда чоп этилган ушбу мақола адабиётнинг киши руҳий оламига таъсирини шундай ифодалайди:

"Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, қораланган: ўчган, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдиган, ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган оиналаримизни ёруғ ва равшан қиладурғон, чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артиб тозалайдурғон булоқ суви бўлғонликдан бизга ғоят керакдир".

Улкан маърифатпарвар адиб Абдурауф Фитрат ўзининг "Тилимиз" сарлавҳали мақоласида, гарчи тилшуносликка оид фикр-мулоҳаза юритса-да, аммо мақоланинг асосий моҳияти турк адабий тилининг бойлиги, айни пайтда бахтсизлиги ҳақида ўз мулоҳазасини кескин баён қилади.

Мақолалар ичида Абдулла Қодирийнинг "Ёзувчи ўз иши тўғрисида" номли маърузаси алоҳида қимматга эгадир.

Абдулла Қодирий ёш ижодкорлар олдида маъруза қилар экан, ҳақиқий ёзувчи бўлиш учун турмушнинг турли соҳаларида ишлаб, ўзбекларнинг урф-одатларини, улар ичида учрайдиган типларни атрофлича ўрганиш кераклигини уқтиради.

Абдулла Қодирийнинг "Ўқиш-ўрганиш" (майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак) номли иккинчи мақоласида Чехов ҳикоялари мисолида ёзувчиларнинг сўз ишлатиш маҳорати юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Абдулла Авлоний "Саное нафиса" мақоласида ўзи эътироф этишича, умр бўйи Навоий асарларини ўқиб, улуғ шоир образи акс этган асарни ёзиш учун Навоий даврига оид кўплаб тарихий-бадиий ва илмий асарларни ўқиганлигини айтади.

Ҳ.Олимжон "Навоий — ўзбек тилининг яратувчиси" номли мақоласида ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг "Хазоин ул маоний", "Хамса" асарлари орқали ўзбек тилининг ўз даврида шеърият учун қудратли бир тил бўлганлигини мисоллар билан исботлаб берган.

Тўпламдаги Ғафур Ғуломнинг "Мақолалардан парчалар", Абдулла Қаҳҳорнинг "Адабиёт тақдири, ёзувчи меҳнати", "Талант ва маҳорат ҳақида" мақолаларида икки буюк ижодкорнинг адабиётга қарашлари, ёш авлодга бўлган муносабатлари ва хулосаларини ўқиш мумкин.

Талантли шоир Мақсуд Шайхзода "Ўзим ҳақимда икки оғиз сўз" мақоласида ўзининг бадиий ижод оламига кириб, — дастлабки шеърини ёзганида, беш ёшларда ҳали алифбони тўла танимаслигини, зиёли отасининг суҳбатларидан таъсирланиб, масал жанрида шеър ёзганини эътироф этади.

Тўпламга киритилган Мамарасул Бобоевнинг "Умрим қўшиқларидан" деб номланувчи мақоласида шеърнинг туғилиши, унинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган ижодий жараён бир неча мисоллар асосида яхши таҳлил қилиб берилган.

Ушбу китобдан жой олган адиб Асқад Мухторнинг "Уйқу қочганда..." мақоласида бир қатор жиддий мулоҳазалар баён қилинган. Асқад Мухтор кўп ўқийдиган китобхон сифатида, китоблардан олган таассуротларини қалбидан ўтказиб, қимматли мушоҳадаларни билдирган.

Таниқли ёзувчи Ҳамид Ғулом "Ҳамиша кўзим устида..." мақоласини давримизнинг улкан шоири Ғафур Ғуломнинг тонг пайтидан ижодий жараёнга киришиши, айрим асарларининг дунёга келишини кўрсатишга бағишлаган.

Ёзувчи Пиримқул Қодиров "Ҳақиқий ва сунъий тўқима ҳақида" номли мақоласида назарий мушоҳадаларини баён қилган.

Тўпламдаги Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Жонрид Абдуллахонов, Муҳаммад Али ва Ҳожиакбар Шайхов каби таниқли шоир, ёзувчиларнинг ҳам адабий-ижодий жараён билан боғлиқ қатор мақолаларида ёш қаламкашлар ўқиб-ўрганса арзийдиган фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Китобнинг дунёга келишида холислик билан иш тутган тўпловчи Дониёр Бегимқулов, масъул муҳаррир, профессор Карим Норматов, муҳаррир Жонибек Субҳонларнинг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Умуман олганда, мазкур тўплам адабий жамоатчилик, олий мактабларнинг талаба ва аспирантлари, кўп сонли филолог-ўқитувчилар учун муҳим манба сифатида қизғин кутиб олинишига умид қилса бўлади.

**Ҳасанхўжа МУҲАММАДХЎЖА ўғли,**
**Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи бўлим мудири, филология фанлари номзоди, доцент**

# 100 БИЛАН ЮЗЛАШГАН ЭДИ

## Xotira

**Абдумажид Абдураззоқовнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан таниш бўлган ҳар бир киши инсон яшаш тарзининг ибратли саҳифаларидан воқиф бўлади.**

**Дастлаб эски мактабда, кейинчалик мадрасада таълим олган бу табаррук муаллим дастлаб ўқитувчилар курсини, кейин педагогика институтини тамомлаб, умр бўйи ўқитувчилик қилди. 1932 йилдан то 1973 йилга қадар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, институт тайёрлов курсининг декани лавозимида ишлади.**

**Домланинг институт касаба уюшма қўмитасининг раиси сифатида олиб борган ишларини кўпчилик мамнуният билан эслашади. Даврнинг барча қийинчиликлари у киши ҳаёт йўлининг саҳифаларида ўз изини қолдирганди... Бу 20-30-йиллардаги илғор маҳаллий зиёлиларга нисбатан бўлган тазйиқ, бой маънавий меросимиз бўлган тасаввуф илмининг буюк алломалари асарларини ўқиш, таҳлил этиш таъқиқланган давр эди.**



**Абдумажид аканинг фарзандлари — ўқитувчи - Мунавварxон, иқтисодчи - Фаридахон, фан номзодлари - Эркин, Искандар Абдураззоқовлар ва фан доктори - Рустам Абдураззоқовлар ўз соҳасининг моҳир билимдонлари сифатида самарали меҳнат қилмоқдалар.**

**Домла ғоят покиза, ҳалол, ҳақиқатпарвар инсон эдилар. Халқимиз бундай кишиларни "Қўй оғзидан чўп олмаган" инсонлар дейишади.**

**5 фарзанд, 15 набира, 14 эвара ва 3 чеваранинг бошларини силаган бу нуроний зот 102 баҳорни қаршилаб ҳаётдан кўз юмдилар.**

**Кўпинча у кишидан, зерикмайсизми, деб сўраганларида "Мутлақо", деб жавоб берар эдилар. Зеро, зиёли кишининг қарилик чоғлари ҳеч қачон зерикарли ўтмайди. Маънавий бойлигимиз бўлган бой бадиий адабиёт мутолааси, «Ҳадис», ислом тарихи билан боғлиқ китоблар кишини ҳар чоқ маънавий озиқ олиб, руҳан тетик яшашга чорлайди.**

**У кишидаги бу фазилатларни кузатар эканмиз, «Ҳадисда таъкидланган "Бешикдан то қабргача илм изла", деган табаррук ҳикматларни эслаймиз.**

**Биз кўпинча табаррук ёшдаги кишиларнинг фарзандлари, набира, эвараларининг бисёрлиги ҳақида фахр билан сўзлаймиз. Аммо бу фарзанд, набира, эвара, чевараларининг яшаш тарзи билан боғлиқ ташвишлар, уларнинг соғлиғи, иш режалари, юриш-туришлари, оила тотувлиги ва ҳоказо ҳолатларнинг ҳар бири оила бошлиғи сифатида унинг қалбини изтиробга солмайди ёки оиладаги ҳар бир нохуш ҳодиса киши дилини оғритмайди, дейсиз. Шундай бўлсада, Абдумажид аканинг бирон марта шикоят қилганини билмасдик.**

**Ислом тасаввуфининг тадқиқотчи ва шарҳловчиларидан бўлган буюк мутасаввуф Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салом ал-Басрийдан сўрабдилар: "Халқ орасида авлиё қандай хусусиятлари билан ажралиб туради, уни қандай топиш мумкин? Ул зот жавоб берибдилар: Тили ширинлиги ва хушмуомала суҳбати; ахлоқининг гўзаллиги, чеҳрасидаги табассум, жўмардлиги, сахийлиги, эътирози озлиги, узр сўраб, хатолари кечирилишини сўраган кишиларнинг узрларини қабул қилиши, бутун яратилмишларга — ях-шиёмон бўлсин барча инсонларга, ҳайвон-жониворларга раҳму шафқатли бўлиши билан халқ орасида ажралиб туради".**

**Инсондаги ана шу фазилатлар Абдумажид домла хислатларига хос бўлганини кузатганим учун, домлани чинакам инсон де-йишга журъат этдим.**

**Ғаффор МЎМИНОВ**

# "МУЛОҚОТ" — ҲАМДАМУ ҲАМҚАДАМ

## Obuna — 2001

*Ўзининг кўпсонли ўқувчилари билан, замон билан ҳамнафасу ҳамқадам бўлиб келаётган нашрлардан бири "Мулоқот" журналидир.*

*Эндигина ўн ёшга тўлаётган журнал дастлабки сонларидан бошлабоқ ижтимоий- сиёсий, тарихий, адабий мавзулар билан бир қаторда таълим-тарбия масалаларига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Шу боис, унинг асосий ўқувчилари ҳам халқимиз зиёлилари, ҳурматли ўқитувчиларимиздир.*

*Айтиш мумкинки, "Мулоқот" журналида чоп этилаётган ҳар бир мақола маълум маънода тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларимиз онгига миллий ғоя, мустақиллик руҳини сингдиришга, улар маънавиятини бойитишга бағишланган бўлади. Шу жумладан, бевосита таълим-тарбия ислоҳига бағишланган Юсуф Абдуллаевнинг "Таълим ва жамият", Назар Ражабовнинг "Бола бошидан..." Тўланбой Ортиқовнинг "Руҳ тарбияси", Ваҳоб Раҳмоновнинг "Оллоҳ жамоли ва инсон камоли", шунингдек, мактаб дарсликларига қўшимча манба сифатида хизмат қилган Ғайбуллоҳ ас-Салом (марҳум, жойи жаннатда бўлсин), Исмоил Собирларнинг "Бобурнома"ни Америка кашф этмоқда", Қаҳрамон Ражабовнинг "Бир мақсадли икки Эргаш", Амриддин Бердимуродовнинг "Соҳибқирон мўъжизаси", Ориф Усмоннинг "Нажмиддин Кубро — Ватан ҳимоячиси", Иноятулла Сувонқуловнинг "Сароймулкхоним", Маҳкам Маҳмуднинг "Маҳмуд Торобий — халқ халоскори", М.Усмоннинг "Саъдий Шерозий ҳикматлари" каби мақолаларини санаб ўтиш мумкин.*

*Журнал таҳририяти 2001 йилда ҳам таълим-тар-бияга оид кўпгина мақолаларни ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўз билимингизни бойитишни, онгингизга бир ёруғлик киришини истасангиз, "Мулоқот" журналига обуна бўлинг. Журнал ҳар икки ойда бир марта чиқиб, ўз вақтида етиб бориб қалбингизни нурафшон қилишига аминмиз.*

**Журналнинг нашр кўрсаткичи (индекси)**
**Якка обуначилар учун — 844.**
**Ташкилотлар учун — 845.**

